



«ОЙНАИ  
ЖАҲОН»ДА  
КҮРИНГ,  
ТОМОША ҚИЛИНГ

3-4-5-  
бетлар

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ  
«ОЧИҚ ДУНЁ»  
ДАСТУРИДА ИШТИРОК  
ЭТИШАДИ

6-бет

ҲАФТАНГИЗ  
ХАЙРЛИ КЕЛСИН

7-бет

«СЕВИНЧ»  
ГУРУҲИ БЕШ  
ЁШДА



8-бет

ЖУМА

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 239 (10.042)

2003 йил 12 ДЕКАБРЬ

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ Тўғрисида



### АХБОРОТ

11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этмоқда.

бари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаки натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам,

ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат кўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз масъулиятимизни ҳолисона кўришимиз ва англашимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, кишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, кишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қўянади. Албатта, бунинг негизда объектив сабаблар бор ва очигини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: кишлоқ хўжали-

ги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, кишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Тақрор-тақрор айтишга тўри келади: биз оғир табиий шaroитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пайсаяиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Табиийки, биз кўндалдун буён қўлдан хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотираемиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулквий муносабатлар, аввало, ерга эгаллик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, кишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжалиқларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман кишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўлаемиз.

Давоми 2-бетда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориз оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга берилди.

— Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ ноиблари билан маслаҳатлашиб оломоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, деди

Президентимиз.

Ҳаётнинг ўзи олдимишга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, эл-юртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай хушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишлаган — куйи, ўрта ва юқори — барча бўғинларда раҳбарлик лавозимига ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимишга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастига бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсақ, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳ-

### XXI сарфоси

Барча маъналардан олдинги сўзга ҳаёбатлар



Мамлакатимизда

• Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Япония ҳукумати ўртасида ҳамкорлик доирасида таълим соҳасида бегараз молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими ўтказилди.

• Фарғона вилоятида «Кишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларни суғурта хизмати билан қамраб олиш ва махсулот етиштириш жараёнини мониторинг қилиш борасидаги ютуқлар, муаммолар ва уларни ечиш йўллари» мавзусида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳридаги истироҳат боғида «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди. Унда 1000 кишига мўлжалланган катта ҳамда матбуот анжуманларини ўтказишга ихтисослашган кичик зал мавжуд. Келгусида ерда клуб, компьютер ўқув маркази, кўргазмалар зали ҳам фаолият кўрсатади.

• Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги «1-Боёвут» ва «Деҳқонobod» ширкат хўжалиқлари ҳудудида иккита янги шифо маскани ишга туширилди.

• Хоразм вилояти, Хонқа туманининг Томадургадлик ва Олажа қишлоқларида Туямайин-Урганч сув магистралига уланган жаҳон санитария андозаларига жавоб берадиган сув таъминоти тармоғи ишга туширилди ва ҳар бир хонадонга уланди.

• Гулистонда «Шохруҳ» болалар спорт комплексининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги спорт комплексида мини-футбол, шахмат ва шашка, шарқ яққакурашлари, кураш, бокс, теннис, баскетбол, гимнастика билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд.



### Жаҳонда

• Стокгольм ва Осло шаҳарларида турли йўналишлар бўйича 11 нафар олимпга 2003 йил учун Нобель мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

• BMT аъзолари Мексикада ўтказилган форумда коррупцияга қарши кураш конвенциясини имзоладилар.

• Россия Федерацияси Президентлиги сайлов келгуси йил 14 март-

да ўтказиладиган бўлди.

• Америка томонидан таъсис этилган Ироқ Бошқарув ҳукумати кенгаши ҳарбий жиноятлар бўйича трибунал ташкил этиши ҳақида расман маълум қилди.

• Ставрополь ўлкасида Минвода-Кисловодск йўналиши бўйича ҳаракатланаётган электр поезидида содир этилган портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 45 кишига етди.

• Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон экспедицияси таркибида жаҳоннинг энг юқори чўққиси ҳисобланмиш Эверестни забт этган тошкентлик альпинист Илёс Тухватуллин кураанинг энг баланд чўққисига Хитойнинг Тибет мухтор тумани томонидаги шимолий деворидан чиқишга тайёрланётган халқаро гуруҳга қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

Ш.М.Мирзиёевни  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири этиб  
тайинлаш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Ўткир Тўхтамурадович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий махсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик захиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 10 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ўткир Тўхтамурадович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 10 декабрь

# ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бораётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу борада охириги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага ургу бермоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёни, вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаيمиз.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулият бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиш, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйлаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда кийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

Очиқ эътироф этишимиз лозим - жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўядиган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айна ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўклагги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар кун шугулланш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўлади, даромад ёки буромад бўлади, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, деди мамлакатимиз раҳбари.

Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, бар-

жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор. Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суратларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлигини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини тайинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга руҳсат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифини Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси раиси А.Орипов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси Э.Воҳидов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Пахта-банк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ўз чиқишларида қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ҳ.Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджет лойиҳаси тўғрисида молия вазирини М.Нурмуродов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов кўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий молиявий ҳужжат муҳокамасида Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Қўргонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Муҳиддин Қориеқубов номидаги академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси директори Ҳ.Саиджонов, Наманган вилоятидаги «Осий» агрофирмаси бош директори Н.Курбонбоев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекинвест» миллий компанияси Фарғона вилояти бўлими директори А.Мўминов, «Андижондонмахсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Урганч қурилиш касб-хунар коллежи директори И.Бойжонов, «Ўзмахсуссувдренаж» уюشمаси бошқаруви кенгаши раиси

Б.Мамадалиев қатнашди.

Парламент «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмухамедова, Сарийосиё тумани ҳокими П.Мадиев, Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳороров иштирок этди.

Депутатлар янги тахрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиевнинг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасига оид маърузаси билан бошланди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, «Фарғона-нефттехмёмонтаж» масъулият чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров иштирок этди. Парламент «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Қочмарик тақдим этди. Тошкент давлат аграр университетининг «Ахборот технологиялари» кафедраси мудири А.Абдурахимов, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев, Поп тумани ҳокими Р.Исмаилов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева чиқишларидан сўнг депутатлар «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа кўмитаси раиси ўринбосари С.Солiev «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Бухоро шаҳри ҳокими К.Қамолов, «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матқонов, Шаҳрихон туманидаги Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси У.Бозорбоев, Республика «Мавнавий ва маърифат» марказининг Хоразм вилоят уюشمаси раҳбари Г.Ибодуллаева, «Новатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси 12 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАМ ДОМО БУЛУР...**

● Икки яхши одамнинг, яхшироғини ажрата олиш хунар эмас, аммо икки ёмоннинг дўстроғини ажрата олиш хунардир.

● Ҳазинга кўтара олмаган сўзларни бошқаларга сира ҳам юклама.

● Бойликка эришса мутакаббир бўлмаган, юқори мартабага кўтарилса, гурурланмаган, кеккаймаган одам — ақлли ва гўзал хулқли одамдир.

● Бир ишга киришмасдан аввал у ишнинг кетини, қандай натижа беришини яхшилаб ўйла. Ишингдан келади деган фойдани кўздан кечирганинг каби, берадиган зиёнини ҳам кўздан кечир. Фойда келтирадиган иш эканига қаноат ҳосил қилганингдан кейингина у ишга кириш.

● Гайрат ва матонат қийин ишларини кулайлаштиради, орзуга эришмоқ лаззати машаққатларни унуттиради.

● Ҳожамназар Хувайдо айтади:

**На кори хайр қилиб ан тилинган олма они, Бўлур одамга бориб сўзлаган саховат ҳеч.**

● Алишер Навоий айтади:

— Тавозеъ халқни бир-бирларига муҳаббатли, мафтун ва шайдо қилади. Тавозеъ дўстлик гулшанида самимий дўстлик, яқинлик ва улфатчилик базмига сочади. Мутакаббир душманга мулоимлик йўлини кўрсатади. Хайратда қолган одамга инсоният завқини ўрнатади.

Адаб кичикларни ёшлари улғайган қариларнинг олқишига сазовор қилади. Адаб кичикларга меҳр муҳаббатли бўлиш уруғларини катталар кўнглига солади, у муҳаббат кўнглида абадий қолади. Муҳаббатга зеб-зийнат адабдан ҳосил бўлади. Адаб тарқ этилса, дўстлик ва муҳаббатнинг равнақи баҳоси кетади. Адаб ва тавозеъ дўстлик ойнасини ярақлатади, порлатади. Икки томондан равшанлик етказида. Адабли, тавозеъли одамга халқ таъзим ва ҳурмат қилади. Адаб ва тавозеъ уруғини эккан одам ҳурмат гавҳарини тиради.

Байт:

**Акли ҳикмат ишидир бўйла маошу'оин<sup>2</sup> Қайда топгай буни ҳар нафас параст худбин<sup>3</sup>.**

1. Маош — турмуш
2. Оин — урф-одат
3. Худбин — ўзини ва ўз манфаатини ҳаммадан юқори қўювчи киши

Тадбирлар

**МАРОҚЛИ ҲТГАН ҲЧРАШУВ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси жамоаси кутубхона жойлашган ҳудуддаги маҳаллалар билан баҳамжиҳат ишлаш, болалар ва ўсмирларни тарбиялаш ва комил инсон қилиб вояга етказишдек масъулиятли вазифаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олган.

Куни кеча кутубхонада «Маҳалламизнинг машҳур кишилари» туркумидаги навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Тадбирга «Оқибат» маҳалласида истиқомат қилаётган Республикада хизмат кўрсатган артист Маматхон Тешабоев, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ходими, филология фанлари доктори, профессор Эрнест Бегматов, Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Хамидхон Исмоили ва «Оқибат» маҳалласининг янги сайланган фуқаролар йиғини раиси Одиолжон Мусаевлар тақдир этилди. Учрашувда 17-, 18-, 64-мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам иштирок этишди ва йиғилганларга театрлаштирил-

ган томошаларни намойиш қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Маматхон Тешабоев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг болалар ва ўсмирларга тааллуқли жиҳатлари хусусида тўхталиб, фарзандларимиз ўз ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билишлари кераклигини ўқитди.

Профессор Э.Бегматов Тил ва адабиёт институти томонидан амалга оширилаётган ишлар, нашр қилинаётган лугатлар, энциклопедик-академик нашрлар ҳақида сўзлаб берди. Болалар ва ўсмирларни яхши ўқишга, кўпроқ китоб билан ошно бўлишга чорлади.

Филология фанлари доктори Хамидхон Исмоили Ўзбекистонда сақ-

ланаётган кўлзма нашрлар ва уларнинг илмий қиммати, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. У болаларга ўзларини англаган миллат тили, адабиёти, тарихи ва маданиятини яхши билиши муҳим эканлигини тушунтирди.

Учрашув китобхоналарда катта қизиқш уйғотди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.



**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

15-21 декабрь



**Кўй (21 март — 20 апрель)** —

Ҳафта боши жуда омадли бошланишидан хурсанд бўласиз. Илоҳи борича кейинга қолдирган ишларингизни бажаришга ҳаракат қилинг. Бу сизга фойда келтиради. Ҳафта ўрталари соғлигингиз безовта қилиши эҳтимол.



**Бузоқ (21 апрель — 20 май)** —

Ушбу ҳафта кўпроқ эътиборингизни иқтисодий масалаларга қаратинг. Ортиқча сарф-хароҷатга йўл қўймай. Акс ҳолда муаммолар туғилиши мумкин.



**Эгизаклар (21 май — 21 июнь)** —

Ҳафта хуш кайфият билан бошланади. Ишончада ажойиб, кутилмаган воқеалар ва тақдирлар бўлиши мумкин. Сизни қизиқтирадиган масалалар ойдинлашади.



**Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль)** —

Ўзингиз хохламаган, кўнглингиз чопмаган ишга қўл урманг. Бу сизга нохушлиқлар келтиради. Яхшиши ўз касбингизни давом эттиринг. Келгусида омаднингиз келиши аниқ.



**Арслон (23 июль — 22 август)** —

Ҳафта боши бирмунча расмий ҳолатда ўтади. Бу айрим ишларингизнинг тез битишига ёрдам беради. Дўстларингиз томонидан айрилган сиз ҳақингиздаги гап-сўзлардан ранжинманг.



**Паризод (24 август — 23 сентябрь)** —

Мўлжалингиздаги ишлар ва тадбирларни кейинга суриб, молиявий ишларни ҳал қилинг. Қобилиятингиз ва имкониятингизни кўрсатадиган фурсат келди. Ҳамкорларингиз тақдирини ўйлаб кўринг.



**Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь)** —

Ҳафта ўрталари оилангиздаги муаммолар ҳал бўлиб, тинч ва хотиржам бўласиз. Бўлиб ўтган келишмовчиликларга кўпроқ ўзингиз сабабчи эканингизни тушунасиз.



**Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь)** —

Ушбу ҳафта кўп асабийлашиб, бошлаган ишларингизнинг унуми бўлмайди. Кўпроқ дам олишингиз, беҳуда ишларга қўл урмаслигингиз лозим.



**Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь)** —

Ҳафта сизга кўп хуш кайфият билан бошланади. Кўндан кутган орзуингизга эришасиз. Узоқ сафарга отланишингизга тўғри келади. Соғлигингизга ҳам эътибор беришни унутманг.



**Тоғ чқиси (22 декабрь — 20 январь)** —

Сиз кутган ҳафта келди. Молиявий томондан омаднингиз келиши мумкин. Кутилмаган даромаддан қувонасиз. Дўстларингизга ишонингиз мумкин.



**Ковга (21 январь — 19 февраль)** —

Бу ҳафта илоҳи борича соғлигингизга эътибор беринг. Фарзандларингиз билан хушмуоалада бўлишга ҳаракат қилинг. Асабийлашиб юрманг.



**Балиқ (20 февраль — 20 март)** —

Тадбиркорлик бўйича бошлаган ишингиз самарали ва унумли бўлади. Иқтисодий масалаларда эҳтиёткорлик билан иш юритинг. Ҳафта охирида мўмай даромад келиши эҳтимол.

**ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**MDS**  
**MDS клиникаси Ўзбекистон аҳолисини кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади!**  
 MDS тиббий хизматларга кечки ва яқшанба кунги чегирмалар янги тизимини киритилишини эълон қилади.  
**Декабрь ойида иш кунлари - соат 19.00 дан 22.00 гача яқшанбада - эртаю-кеч клиника хизматларига 50% гача чегирмалар амал қилинади.**  
 Батафсил маълумотларни Сиз 080 телефон орқали ёки [www.mds.uz](http://www.mds.uz) сайтимиздан олишингиз мумкин  
 Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент ш., Боткина кўч., 110/3  
 Тел: 080 ёки 169-70-85 E-mail: info@mds.uz  
**Тошкент шаҳрида бошқа филиалларимиз йўқ!**

**POYTAXT**  
**INFORM**  
 132-26-44 132-26-45 FM 107.2  
**Кўнгли учун музика, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».**  
 «Радио деталлари» дўкони ҳар қандай радио деталлари, компьютерлар ва компьютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.  
**Телефон: 68-88-77**

**Анжуманлар**  
**ЁШЛАР ВА ТАРБИЯ**  
 Яқинда Абдулла Кодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий барқарорликни таъминлашда жиноятчиликнинг олдини олишнинг аҳамияти ва унинг маънавий-маърифий масалалари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.  
 Анжуманни тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов очиб, маънавий-маърифий ишларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек нотиқ ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида диний экстремизм ва фундаментализмнинг моҳияти ҳамда муҳдқиш оқибатларини таҳлил қилиш зарур, дея таъкидлади.  
 Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси бўлимининг бошлиги А.Абдунабиев, милиция капитани Н.Шодмонов ҳам иштирок этишиб, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мамлакатимиздаги кўриниши ва жараёни, уларни бартарф этиш чоралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.  
 Ўқитувчилар ва талабалар иштирокида уюштирилган ушбу тадбирда ёшлар бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлаш жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишларига кенг имкониятлар яратиш муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ана шунда ёшлар маънан етук инсон бўлиб вояга етадилар, зарарли оқимлар таъсирини тушиб қолмадилар.  
**Малика ИБРАГИМОВА**

**«02»: ҲОДИСАЛАР**

• В.Матназаров 30 ёшни дўстлари даврасида нишонлашни истоганди. Шундай бўлди ҳам. Уша кун Қорақамиш даҳасидаги уйлardan бирида яшовчи Матназаров дўстлари учун ажойиб кеча уюштирди. К.Азизов кечага яқин бўлишига қарамай ўйлаган ниятини амалга оширишга киришди. Уй эгасига яхши тилаклар билдиргани ҳолда, уни маст қилди. Ҳамма меҳмонлар таркагач Азизов уй эгаси билан ёлғиз қолди. Дўстининг ухлаб қолганидан фойдаланиб, унинг 80.000 сўм пули, «SHARP» русумли магнитофонини ўғирлаб кетган. Орадан икки кун ўтгач эса Ички ишлар идорасига жиноят учун жавоб беришга «ташриф» буюрди.

• А.Доросhev эса ўғирликнинг ажойиб усулини ўйлаб топди. Шайхонтохур туманида яшовчи, нафақахўр М.Содиқованинг уйига кирди ва хонадон соҳибасини психотроп моддаси билан заҳарлаб, уйдан 460.000 сўмлик мол-мулкини олиб, қочиб кетган. Аммо юклари оғирлик қилибми, уларни пана роқ жойга яширишни мўлжаллаган. Шунча ишни эплаган «шоввоз» молларни кўздан йироқ қилолмади. Натижада эса кўлга олиниб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

• Шайхонтохур туманида Б.А. қалбаки АҚШ долларини олди-сотди қилаётганида кўлга олинди. Тергов ҳаракатида унинг олдинги жиноятлари ҳам фoш бўлди. Кўлга тушишдан икки кун аввал у «Уй-жойқури-лишбанки»га қарашли валюта айирбoшлaш шoхoбчaси олдида А.Йулдошевaга «АҚШ доллaри олиб берaман деб» 1 976 000 сўм пулини олиб қaйтaриб бермаган. Ҳoзирдa Б.А.нинг бoшкa жиноятларгa алоқадорлиги текширилмoқдa. Тергов давoм этмoқдa.

• Худди шундай ҳoлат Яккасарoй туманидa ҳам кузaтилди. Шу тумандa яшовчи Р.Аюпoвa «АСАКА» валютa айирбoшлaш шoхoбчaси олдида, Т.Сержaбaевгa «АҚШ доллaри олиб берaман» деб 1 530 000 сўм пулини олиб қaйтaриб бермаган. Ҳoзирдa унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб бoрилмoқдa.

**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази материаллари асосида Адибахон Файрат қизи тайёрлади.**

«Автогаз» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қoшидaги «Уздaвнeф-тeгaзнaзoрaт» корхoнaсининг бoшлиғи

**Нодир Саматович РАМАЗАНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ҳoқимлиғи Молия бoш бoшқaрмaси жaмoаси бoш бoшқaрмaнининг бoш ҳисoбчи ўринбoсaри Нaфисa Рaмaзaнoвaнинг aкaси

**Нодир РАМАЗАНОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қилади.

*Сaқсaт*

**«СЕВИНЧ» — 5 ЁШДА**

Кунни кеча «Зарафшон» концерт залда «Севинч» вокал гуруҳи ташкил топганлигининг 5 йиллиги муносабати билан хайрия байрам концерти бўлиб ўтди.

«Севинч» вокал гуруҳининг навбатдаги концерти кам таъминланган оила фарзандлари, етим, ногирон болалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ўзига хос совға бўлди.

Шуни айтиш керакки, ўзининг 5 йиллик санасини нишонлаётган «Севинч» вокал ансамбли 1998 йили шаҳар Кўшимча таълим бош бoшқaрмaси қoшидa тaшкил этилган эди. 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган 30 га яқин болаларни жамлаган гуруҳга Саодат Музаффарова бадиий раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор Хуршида Ҳасанова гуруҳнинг мусиқа раҳбаридир. Гуруҳнинг ватанпарварлик руҳидаги кўшиқ ва куйлари таниқли бастакор ва шоирлар

ижодидан саралаб олинган. «Севинч» вокал ансамбли Алишер Икромов, Иброҳим Жиянов, Ҳабиб Раҳмат, Кавсар Турдиева, Усмон Кўчқор каби бастакор ва шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Утган вақт мобайнида «Севинч» гуруҳи ҳамшаҳарларимиз юрагидан аллақачон жой олиб, уларнинг кувонч ва шодлигига шерик бўлмоқда. Республика ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган барча байрам, фестивал ва танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан гуруҳ шу йилнинг 3 декабрида ўтказилган Республика болалар эстрада гуруҳлари кўриктанловининг Гран-при совриндори бўлди.

50 га яқин хайрия концерт дастур-

ларини тайёрлаб, томошабинларнинг олқисларига сазовор бўлаётган «Севинч» вокал гуруҳининг ижодий ишларида зафарлар тилаб қоламиз.



**Соҳиба УМАРОВА СУРАТЛАРДА:** «Севинч» вокал гуруҳининг хайрия концертидан лавҳалар. Александр Безручко олган суратлар.



*Бўш вақтингизда*

**БОШҚОТИРМА**

**Энига:** 5. Дунёда оммалашаётган миллий спортимиз. 6. Олинган қарз эвазига қолдирилган омонат нарса. 8. Махфий маълумотлар бериш учун ишлаб чиқилган шартли белгилар тизими. 10. Эртақлардаги ҳаёлий маҳлуқ. 11. АҚШ конгрессининг юқори палатаси. 12. Аруз вазнидаги бир банд шеър. 14. Насиҳат. 16. Рақамли соққалар билан ўйналадиган ўйин. 18. Ўзбек халқ куйи. 20. Англияда юқори табақа дворянларининг унвони. 22. Ўқтам Усмоновнинг «Гирдоб» романи қаҳрамони. 24. Аждод давомчиси. 26. Мақолдан: «... қиличдан ўткир». 28. Башорат. 29. Олий лига футбол командаси. 30. Қимматбаҳо металл.

**Бўйга:** 1. Вазн ўлчови. 2. Сайёра. 3. Саодат. 4. Хурсанд. 5. Идиш. 7. «Капитан грант болалари» асари муаллифи. 9. Абдулла Қаҳҳор ҳикояси. 12. Ўрнига ўрин тўланадиган ҳақ. 13. Электрон лампа. 14. Ипак қурти ҳосили. 15. Бўйдор. 19. Ғалла экини. 21. Корея сериали. 23. Судралиб юрувчи жонивор. 24. Бегона ўсимлик. 25. Экинзор. 27. Юнон драматурги Софоклнинг «Шоҳ Эдип» трагедияси персонажи. 28. Шахмат донаси.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 17. Шарқдаги қадимий шаҳар майдони.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

	1	2		3	4	
5				6		7
8			9		10	
12		11			14	15
16			17	18		
			19			
20	21				22	23
			24		25	
26		27				28
29				30		

**Газетанинг шу йил 28 ноябрь сонида берилган БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

Энига: 2. Саф. 4. Кун. 6. Рок. 13. Нон. 15. Сўз. 17. Муз.

Бўйга: 8. Арк. 9. Шош. 10. Қиш. 11. Онг.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Кислород. 3. Ланшафт. 5. Қорақанд. 7. Лампочка. 12. Канберра. 14. Шестерня. 16. Шимпанзе. 18. Гипотеза.

**МУАММОНОМА**

Оқчиқ сўзлар: 1. Бўка. 2. Баёнот. 3. Ялли. 4. Шахс. 5. Ранг.

Ҳикмат: Гар кишига яхши инсон ёр бўлар,

Яхши инсон бирла бахтиёр бўлар!

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳoқимлиғи

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хаҳлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 133-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3559 нусxada бoсилди. Қoғoз бeчими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича гузар жойларига почта бўлимларига еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсmaхoнaси. Корхoнa мaнзил: «Буюк Тyрoн» кўчaси, 41-ўй.